



Farqona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta



<http://farhaqiqat.uz/>



t.me/farhaqiqati

9 июль – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ҚУРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Фаргона вилояти бўйича 2 200 000 дан зиёд сайловчилар овоз беради


Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига мувофиқ жорий йил 9 июль, яшанба куни мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Ушбу сана юртимиз, ўзбек халқи келажаги учун муҳим аҳамиятга эга кун сифатида миллий тарихимиз саҳифаларидан ўрин олади.

Таъкидлаш жоизки, янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда ижтимоий давлат барпо этиш ва тараққиётимизнинг янги даврига ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Янги Конституцияда “Инсон – жамият – давлат” деган тамойил устуворлик касб этди. Бу билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мажбурияти этиб белгиланди. Инсон ҳуқуқларининг таъминланиши кафолатлари янада кучайтирилди. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир, деган принцип янада мустаҳкамланди.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги яна бир

муҳим воқеа сифатида мuddатидан олдин бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини эътироф этиш жоиз. Мазкур сайловда сайлов ҳуқуқига эга фуқаролар ўзининг онгли танлови орқали Ўзбекистон халқининг манфаатлари, шаъни ва қадр-қимматини мамлакат ичида ва халқаро майдонда муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган номзодга овоз бериш орқали юртимиз келажагини белгилаб оладилар. Бу, ўз навбатида, зиммамизга катта масъулиятни олган ҳолда ўз қароримизни қабул қилишимизни англатади.

Мустақил давлатимизда Президент сайлови конституциявий мезон ва принциплар, сайлов нормаларига тўлиқ риоя этилган ҳолда очиқ ва ошқора, ҳар қандай таъсирлардан холис ва ҳалол, бир сўз билан айтганда, эркин ва адолатли тарзда ўтказилишини таъминлаш Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари зиммасига юклатилган. Қонунчилик доирасида Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарори билан Фаргона вилояти чегараси



доирасида 11-Фаргона округ сайлов комиссияси ва унинг 21 нафар аъзолари фаолияти шакллантирилди.

Тасдиқланган календарь режасига кўра, сайлов жараёнининг 7 та йўналиши бўйича 51 банддан иборат асосий тадбирлар белгиланди. Ўз навбатида, округ сайлов комиссияси томонидан 4 та шаҳар ва 15 туман халқ депутатлари Кенгашлари тавсиясига асосан 1209 та участка комиссиялари таркибида 13 134 нафар номзодлар тасдиқланди.

Давоми 2-бетда

УЛАР НАМАНГАНДА ШИФО ТОПАДИ



4-БЕТ

“IT-PARK – МЕНИНГ ИЖОДХОНАМ”



3-БЕТ



ТУРКИЙ ТИЛЛИ ЁШЛАР ҚЎҚОНДА УЧРАШАДИ

5-БЕТ



8-БЕТ

СЎМ – НАРХ ДЕГАНИ

СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ҚУРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

(Бошланиши 1-бетда).

Сиёсий кампанияга старт берилган кундан буён ўтган давр давомида вилоят ҳудудида сайловни юқори савияда, демократик тарзда, уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда сайловчиларнинг эмин-эркин овоз беришларини таъминлаш учун барча чоралар кўрилди. Шунингдек, сиёсий кампаниянинг қонун принциплари асосида ўтишига кўмаклашиш мақсадида 106 нафар вилоят тренерлари республикамизнинг таниқли сиёсатчилари ва ҳуқуқшунослари томонидан сайлов қонунчилиги юзасидан ўқитилди, уларнинг билим ва кўникмалари оширилди. Ўз ўрнида, вилоят тренерлари 3599 нафар участкалар раислари, ўринбосарлар ва котиблар учун ўқув ташкил этишди. Бундан ташқари, сайлов жараёнини бошқариш, ахборот тизими ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш билан ишлаш учун 67 нафар вилоят операторлари ҳамда 2148 нафар участка операторлари ўқитилди.

Муҳим жиҳатлардан бири, сайловда иштирок этаётган ҳар бир

сиёсий партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлари учун тенг шароитлар яратилиб, уларнинг сайловолди учрашувлари юқори савияда, тенглик тамойилларига амал қилинган ҳолда ўтказилиши таъминланди. Шу кунга қадар сайловолди ташвиқотлари билан боғлиқ бирорта ҳам шикоят ёки мурожаат келиб тушмади. Оқругимиз ҳудудидаги ҳар бир туман ва шаҳардаги бир нечта сайлов участкасида кузатув камералари ўрнатилиб, сайловчиларнинг овоз бериш жараёнлари Марказий сайлов комиссиясига онлайн узатилади.

Фарғона вилояти бўйича шакллантирилган рўйхатга кўра, сайловчиларнинг умумий сони 2 миллион 206 минг 187 нафарни ташкил этмоқда. Бугунги кунгача жойлардаги 1209 та участкалар Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ва амалдаги сайлов қонунчилиги асосида барча зарур ашё ва анжомлар, компьютер жамланмалари, телефон аппаратлари, юқори тезликдаги интернет билан таъминланди.

Оқруг ҳудудидаги сайловчилар сонидан келиб чиқиб, сайлов бюлле-

тенларига бўлган эҳтиёж аниқланди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилди. Ҳозирда барча бюллетенлар участкаларга етказиб берилган.

Бугунги кунга қадар Марказий сайлов комиссияси томонидан республикамиздаги сиёсий жараёнда иштирок этувчи 786 нафар узоқ ва қисқа муддатли халқаро кузатувчилар аккредитациядан ўтказилган бўлиб, улардан 30 нафардан зиёди айнан Фарғонадаги сиёсий жараёнларда иштирок этиши кутилмоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтишни истардимки, Президент сайлови жараёнларини ёритиш учун Марказий сайлов комиссияси 1292 нафар оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказди, улардан 96 нафари хорижий ОАВ вакиллари дидир.

Мамлакатимизда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида муддатидан олдин овоз бериш 28 июндан бошланиб, 5 июлга қадар давом этди. Муддатидан илгари овоз бериш жараёнлари бошлангунга қадар Марказий сайлов комиссияси томонидан оқругга 117 минг 363 та

сайлов бюллетенлари етказиб берилди. Фарғона вилоятида муддатидан аввал овоз берган сайловчилар сони 112 минг 952 нафарни ташкил этди.

Сайлаш ҳуқуқига эга барча фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш демократик давлатнинг муҳим омилларидан биридир. Ишонманки, сайловда халқимиз ўзининг хоҳиш-иродасини, юксак сиёсий онги ва фаол фуқаролик позициясини намойиш этиб, ўз тақдири ва келажига қандай қатта ишонч ҳамда масъулият билан қараётганини яққол ифода этади.

Ҳурматли юртдошлар, Сиз ҳам яна икки кундан кейин бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида фаол иштирок этиб, ўз фуқаролик позициянгизни намойиш этинг! Сайловда хоҳиш-иродамиз ва ўз фуқаролик позициямизни билдиришимиз – Янги Ўзбекистон қуришда, келажак ва ривожланиш йўлини эркин танлашда улкан аҳамиятга эга.

Эркинжон НУРАЛИЕВ,
11-Фарғона оқруг сайлов
комиссияси раиси.

Менинг Президентим

КИМНИ ЁҚЛАШИМНИ БИЛАМАН

Ҳарбий хизматчи бўлиш, она Ватанини ҳимоя қилишдек шараф ва фахрга эришиш ҳар қандай йигит кишининг орзуси бўлса керак. Мен, айтиш жоиз бўлса, шундай бахтга эришган ўзбек ўғлонларидан бириман.



Мустақилликни қўлга киритганимизга 30 йилдан ортган бўлса, тарихан қисқа даврда миллий армиямиз мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди. Ёш давлатимиз учун ўта оғир йилларида айнан Қуролли Кучларимиз халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлашда ишончли қафолат бўлиб хизмат қилди. Бугунги кунда ихчам, тезкор ва қудратли Ўзбекистон армияси шаклланди. Фахр билан айта оламаники, ҳарбий хизматчиларимиз мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга қодир.

Кейинги йилларда "Халқ ва армия – бир тану бир жондир" деган эзгу тамойил асосида соҳада улкан ислохотлар амалга оширилди. Бўлинмалар замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникаларга эга бўлди, шахсий таркиб ҳам назарий, ҳам амалий

тажриба орттирди. Ватан посбонларини давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватлаш, шарт-шароитлар яратиш, моддий-маънавий рағбатлантириш, турар жой билан таъминлаш, ҳатто уларнинг оиласи ва фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш бора-сидаги амалий ишлар йилдан-йилга янги босқичга кўтарилмоқда.

Биз Юртбошимиз ва халқимиз ишончини қозониш учун ҳарбий қасамдимишга содиқ ҳолда хизмат қилиш баробарида, ёш авлод қалбига туғилиб ўсган юртига меҳр ва садоқат туйғуларини сингдириш, бир сўз билан айтганда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун ўқув муассасаларида, маҳаллаларда уч авлод учрашувларини ўтказяпмиз. Яқинда шундай очик мулоқот Сўх туманининг Ҳазнов маҳалласида бўлиб ўтди.

Бугун халқимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясининг муҳим жараёнларини бошидан кечирмоқда. Биз ҳарбийлар ҳам номзодларнинг сайловолди дастурлари билан яқиндан танишиб чиқдик ва ҳар бир соҳа қатори миллий армиямиз тизимидаги ислохотлар унинг ташаббускори раҳбарлигида изчил давом этишини қўллаб-қувватляпмиз. Мен сайлов кунини қайси номзод учун овоз беришимни танлаб олдим.

Файбулло СОБИРОВ,
Сўх туманидаги ҳарбий қисм
ҳарбий хизматчиси, капитан.

Бугун давлатимиз раҳбари томонидан қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш бериш, тадбиркорликни ривожлантириш, муқим иш ўринлари яратиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасини ҳар бир қишлоқ, маҳалла ва кўчада кўриш мумкин.

ТАНЛАГАН НОМЗОДИМГА ОВОЗ БЕРАМАН

"Чўлйонус" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 5 минг 680 нафар аҳоли маҳалламизни обод ва файзли масканга айлантириш йўлида олиб борилаётган эзгу ишлардан хурсанд. Ички хўжалик йўлларимизнинг 15,5 километр қисми асфальтланган, яна 1,3 километр қисмини асфальтлаш ва тупроқ қатламни йўлни шағаллаштириш ишлари бошланди. Шунингдек, ичимлик сув қудуғи қазиш, сув минораси ўрнатиш ва 2,5 километр узунликдаги тармоқ тортиш режалаштирилган.

Маҳалладаги 31-умумий ўрта таълим мактабида янги ўқув биноси қад ростламоқда. Қурилиш ишларига қарийб 4 миллиард сўм маблағ йўналтирилган бўлиб, бино янги ўқув йилида фойдаланишга топширилади.

Аҳоли саломатлигини сақлаш мақсадида маҳалламизда чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди. Унда 200 нафардан зиёд фуқарога тиббий маслаҳат, беморларга туман, вилоят шифохоналарида даволаниши учун йўлланмалар берилди.

Маҳалла хотин-қизлари бандлигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида 10 нафар чўлйонуслик аёлга субсидия асосида тикув машиналари тарқатилди.

Суялтирилган газ, электр энергияси ва ичимлик сув таъминотини яхшилаш йўлида қилинаётган ишлар аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади. Биргина бизнинг маҳалла фуқаролар йиғини мисолида юз бераётган бундай ижобий ўзгаришлар ҳар бир фуқароимизда эртанги кунга бўлган ишончли мустаҳкамлаб, ҳаётдан рози бўлиб яшашларига замин яратмоқда. Бу – инсон қадрини юксалтириш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бирига айланиши йўлида қўйилган дадил ва залворли қадамлар, деб биламан.

9 июль кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида маҳалламиз фуқаролари ҳам фаол иштирок этиб, юртимиз келажиги ва тараққиёти учун энг муносиб номзодга овоз беришларига ишонман. Ушбу муҳим сиёсий жараёнда биринчилардан бўлиб ўзим танлаган номзодни ёқлаб, овоз беришга тайёрман.

Саҳобиддин ОРТИҚОВ,
Бағдод туманидаги
"Чўлйонус" маҳалла фуқаролар
йиғини раиси.

Келажак бунёдкори:

Ёшлар куни арафасида юртимиздаги бир гуруҳ йигит-қизлар “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланди. Улар орасида фарғоналик ёш дастурчи Жаҳонгирмирзо Иброҳимовнинг борлиги тенгдошлари қалбида унинг иқтидорига бўлган ҳавасни орттирди.

Кўп йиллик дастурчи, малакали мутахассис ва инглиз тилида техник матн ва контентлар тайёрлаш бўйича малакага эга истеъдод эгасининг ахборот технологиялари соҳасида “Engineericy” лойиҳаси орқали халқаро даражадаги креатив ишлаб чиқаришда эришган ютуқлари давлатимиз раҳбари томонидан муносиб эътироф этилди.

Жаҳонгирмирзонинг 15-16 ёшларида уйғонган IT соҳасига бўлган қизиқиши Тошкент шаҳридаги Инҳа университетиде дастурий инжиниринг йўналишида таҳсил олаётган пайтлари кенг кулоч ёйди.

Талабаликнинг биринчи босқичидаёқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясида етакчи дастурчи бўлиб фаолият юритишни бошлаган Жаҳонгирмирзо тез орада дастурлаш йўналишида халқаро даражадаги фрилансер мақомига эришди.

Дастурлаш соҳаси, робототехника ва сунъий интеллект йўналишларида лойиҳа ҳамда стартаплар эгаси ҳисобланган Жаҳонгирмирзонинг Youtube платформаси орқали фаолият юритувчи “Engineericy” кана-

“IT-PARK – МЕНИНГ ИЖОДХОНАМ”



ли ҳозирги кунда 200 000 га яқин дунё обуначисини ўз ичига қамраб олган. У яратган техникага оид 200 дан ортиқ сифатли видео контентларнинг кўришлар сони эса 94 000 000 дан ошади. Бу эса йилига 50 000 АҚШ долларидан ортиқ хизматлар экспорти амалга оширилишига сабабчи бўлмоқда.

Жаҳонгирмирзо Марғилон шаҳрида “Муҳандисона” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиш орқали ўз лойиҳасини янада юқори босқичга олиб чиқди. Янги иш ўринларини ташкил

этиш баробарида, ахборот технологиялари соҳасида хизматлар экспорти ҳажмини оширди. 20 дан зиёд “PCB Way”, “Creality”, “FLSum”, “QIDITech”, “Nordvpn” каби хорижий корхоналар билан расмий ҳамкорлик ўрнатди.

Жаҳонгирмирзо Иброҳимов масъулиятли ходим сифатида Марғилон шаҳридаги IT-Park фаолиятининг ривожланишида, янги-янги иқтидор эгаларининг униб-ўсишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

– IT-Park менинг ижодхонам, том маънода ғояларим фабрикасидир, – дейди дастурчи.

Ёш иқтидор эгасининг муваффақиятлари ҳақида фикр юритар эканмиз, унга орзулар рўёби йўлида улкан парвозлар тилаймиз.

Муаттар МАҲМУДОВА.

Қонунчиликдаги янгиликлар

Қарзни ўз вақтида тўламаганлик учун маъмурий жарима миқдори ижро ҳужжатида ундирилиши лозим бўлган суммадан ошиши мумкин эмас.

ЖАРИМА МИҚДОРИ... ОШИШИ МУМКИН ЭМАС

Жорий йил 4 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган Қонун (УРҚ–851-сон) билан айрим қонун ҳужжатларига ижро ҳужжатларини ижро этмаганлик учун солинадиган маъмурий жарима миқдорини белгилашга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра,

БҲМнинг 10 бараварига тенг ёки ундан ошмайдиган миқдордаги суммани ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда қарздор томонидан ижро этмаслик:

- фуқароларга БҲМнинг 5 бараваригача (1 миллион 650 минг сўмгача);
- мансабдор шахсларга эса 10 бараваригача (3 миллион 300 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Илгари жариманинг энг кам миқдори қатъий белгиланган бўлиб, фуқаролар-

га БҲМнинг 1 бараваридан, мансабдор шахсларга эса 5 бараваридан бошлаб жарима қўлланилган.

Қонунга кўра, Мажбурий ижро бюроси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда маъмурий жазо чораларини қўллашга эндиликда қуйидагилар ҳақли:

- Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ижроҳисси;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош давлат ижроҳисилари, уларнинг ўринбосарлари;
- Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари.

Илгари маъмурий жазо чораларини қўллаш давлат ижроҳисиларига тегишли бўлган.

Искандар САИТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқармаси катта прокурори.

ИСТЕЪМОЛЧИ ЎЗ МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРИШДАН НЕГА ҚОЧАДИ?

Дунёда ўз халқига, ишлаб чиқаришга электр энергиясини етказиб бера олмайётган давлатлар қанча?! Афсуски, вилоятимизда ҳам электр энергиясидан фойдаланиб, пулини тўлашга келганда бўйин товлаб юрган юридик ва жисмоний шахслар учраб турибди.

Жумладан, “Фарғона сув таъминоти” МЧЖнинг электр энергиясидан қарзи 144.395.859 сўмга етган бўлса-да, тўлов пайсалга солиб келинган. Фарғона туманлараро иқтисодий судининг жорий йил 1 майдаги ижро варақасига асосан мазкур қарздорлик бюронинг Қува туман бўлими ходимлари томонидан олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида “Фарғона электр тармоқлари ҳудудий корхонаси” АЖ фойдасига тўлиқ ундирилди.

Шунингдек, бюронинг Фарғона вилояти бошқармаси туман-шаҳар бўлимлари томонидан жорий йилнинг тўрт ойи мобайнида ижро ҳужжатларига асосан юридик ва жисмоний шахслардан электр энергияси қарздорлиги бўйича 24 миллиард 845 миллион сўм ундирилди, 2 миллиард сўмлик мулк хатланиб, 510 миллион сўмлик мулк электрон онлайн савдоларига чиқарилди.

Мажбурий ижро бюросининг Фарғона вилояти бошқармаси истеъмолчилардан фақат қарзларини ундириш билан чекланиб қолмапти, ходимларимиз жойларда бўлиб, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида юзага келган қарздорликни ўз вақтида бартараф этиш, акс ҳолда, қонунчиликда назарда тутилган таъсир чоралари кўрилиши юзасидан тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

Шу ўринда, баъзи истеъмолчиларнинг электр энергияси, табиий газ, тоза ичимлик сувидан беминнат фойдалангани ҳолда, тўловига келганда ўз мажбуриятларини бажаришдан қочаётганини давлат, халқ мулкига хиёнат сифатида изоҳлашни истар эдик.

Э. ЖЎРАЕВ,
Мажбурий ижро бюроси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

№6

УЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА, НАМАНГАНДА ШИФО ТОПАДИ

Юрак-қон томирлари касалликларини даволаш азалдан энг масъулиятли ва энг қиммат муолажа бўлиб келган. Шунинг учун фақат илм ривожланган, иқтисоди бақувват мамлакатлардагина кардиология марказлари фаолият юритади. Ўзбекистон ҳам улар қаторида. Биргина Намангандаги кардиология маркази шифокорларининг илмий, амалий салоҳияти, жарроҳлик амалиётида қўлланадиган замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланганлик даражаси юксаклиги туфайли наинки Ўзбекистонда, чет мамлакатларда ҳам танилган. 2022 йилнинг ўзида бу ерда 187 нафар чет элдан келган "аҳволи оғир" дея тавсифланган беморларда жарроҳлик амалиёти ўтказилди ва уларнинг барчаси соғайиб кетди.



Марказда соҳага чуқур ихтисослашган мутахассислар жамоаси шаклланди. Вилоят ҳокимлиги ажратган 9 миллион АҚШ долларига Европа мамлакатларидан келтирилган 50 турдаги 250 дан зиёд замонавий тиббиёт ускуна ва жиҳозлар туфайли даволаш, жарроҳлик амалиёти сифати ва натижадорлиги кескин ўсди. Ҳозирда Наманган кардиология марказида 85 турдаги амалиёт бажарилмоқда. Йил охирига бориб эса уни 112 турга етказиш режа қилинган. Биз марказда бўлган

чоғда энг мураккаб жарроҳлик амалиёти тугалланган экан.

— Ҳозир ўпка артериясининг катта тромбларини тозалаш амалиётини қилдик. Авваллари бундай бемор консерватив усулда даволанарди. Аксарият ҳолатда у ўлим билан якунланган, — дейди Наманган кардиология маркази раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Солихон Мўминов. — Ҳозир сунъий қон айланиш шароитида юракни тўхтатиб, шу амалиёт бажарил-япти. Бугунгача 17 та шундай амалиёт ўтказилди.

Юракни тўхтатиб, ўпкада амалиёт ўтказишга дунёнинг фақатгина тиббиёт юксак ривожланган мамлакатларида жазм қила оладилар. Яқин-яқингача бундай амалиёт учун беморлар асосан Исроил, Ҳиндистон, Германияга йўл оларди. Имкон тополмагани эса...

Наманган кардиомарказида яна бир илғор тажриба қўлланил-япти. Гап юрак хасталиги билан боғлиқ энг оғир жарроҳлик ҳақида бормоқда.

— Авваллари биз бундай амалиётни беморнинг кўкрак қафасини очиб, умумий наркоз остида бажарган бўлсак, ҳозир юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланиш натижасида кўкрак қафасини очмасдан, наркозсиз тери ва томир орқали кичик найчалар воситасида даволаш имкониятига эришдик, — дейди марказ бўлим бошлиғи Акмалжон Жалилов.

Бир, ҳатто икки оёғи кесилган, айтиш лозимки, тиббиёт иложсизлигидан оёғи кесилган инсонларни кўргансиз, албатта. Уларнинг аксарияти қанд касаллиги, оёқда қон айланмаслиги туфайли шу ҳолатга тушган.

— Авваллари қандли диабет касали бўлган беморларда қон томирларини очиш имкони бўлмагани учун оёқни сон соҳасидан кесишга мажбур бўлинган. Негаки қон

айланишини тиклаш иложиси бўлмаган, — дейди марказ бўлим бошлиғи Носиржон Худойбердиев. — Ҳозирги кунда марказимизга келтирилган янги жиҳозлар туфайли оёқ қон томирларида тромбоз рўй берганида томирдан кириб стент қўйиш мумкин бўлди. Шу туфайли оёқни кесиш ҳолатлари 80 фоизга камайди.

Илм, тиббий тажриба шу даражага етдики, энди инсульт — миядаги майда томирлар билан боғлиқ хасталикнинг хавфлилик даражаси ҳам анча пасайди.

— Бош томирларида ҳам уларни очиш, микромирларга стент қўйиш мумкин бўлди. Энди инсульт бўлган бемор хушини йўқотмайди, тезда одатий ҳаётга қайтади, — дейди Носиржон Худойбердиев. — Бу амалиётлар Наманган кардиология марказимизда бажариб келинмоқда.

Наманган кардиология марказида жарроҳлик амалиётидан шифо топган ўнлаб беморлар билан суҳбатлашдик. Мақоламизга реклама аломатлари қўшилиб қолмасин, дея сўзларини келтирмадик. Аммо бир гапни айтмасак бўлмас. Улар оғир дардларига Ўзбекистонда, Наманганда шифо топдилар.


Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

ВОДИЙ

Келгуси ҳафтада Маданият ва туризм вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан Халқаро Туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙ билан ҳамкорликда ташкил этилаётган “Туркий тилли ёшлар” халқаро фестивалига Қўқон шаҳри мезбонлик қилади.



ТУРКИЙ ТИЛЛИ ЁШЛАР ҚЎҚОНДА УЧРАШАДИ



Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Туркия каби давлатлар халқлари азал-азалдан дўст-қадрдон, қардош ҳисобланади. Тили, дини, тарихи, маънавий қадриятлари ва маданияти ўхшаш, бир тану бир жон бўлган миллатлар ва элатлар ўртасидаги меҳр-оқибат, дўстлик ришталари бугун янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳар гал Туркий тилли давлатлар

ҳамкорлик кенгаши саммитларида сўзлаган нутқида қардош мамлакатлар долзарб халқаро ва минтақавий масалаларда ўзаро мос ёки яқин қараш ва ёндашувларга амал қилиб келаётгани, халқларнинг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берадиган иқтисодий, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, туризм, илм-фан ва таълим каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланаётганини

таъкидлайди. Шунингдек, ёшлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ИТ ва технопаркларнинг ҳамкорлик дастурлари доирасида ёшлар тадбиркорлиги ва стартапларни илгари суриш бўйича ҳамкорлик борасида қўллаб-қувватлаш ташаббусларни илгари суради.

2021 йил июнь ойида Қўқон шаҳрида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши туризм вазирлари йиғилиши

бўлиб ўтди. Унда Қўқон туркий дунёнинг илк туризм пойтахти, деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июлдаги “Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори иловаси билан вилоятимизда ўтказилиши белгиланган маданий-маърифий тадбирлар дастури доирасида қардош мамлакатлар билан туризм соҳасидаги

алоқаларни янада мустаҳкамлаш, зиёрат ва маданий мерос объектларига ташрифи ва янги саёҳат маршрутларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Бундан ташқари, турли тадбирлар ва лойиҳалар орқали туркий халқлар ёш авлод вакиллари ўзаро маданий яқинлашувига эришиш, уларда миллий урф-одатлар ва аجدодларга ҳурмат каби юксак қадриятларни шакллантириш каби бир қатор тадбирлар режалаштирилган.

Қўқондаги халқаро фестивалга туркий тилли давлатлардан жами 200 нафардан зиёд фаол ёшлар ва талабалар таклиф этилган.

Қардош мамлакатлар ёшлари халқаро фестивалда нафақат дўст тутинишади, балки китобхонлик кунлари, миллий ва этноспорт турлари бўйича спорт мусобақалари, маданий-кўнгилочар тадбирлар, ёшлар учун бизнесни ташкил қилиш, хунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш бўйича давра суҳбатлари, ёшлар билан таниқли театр ва кино ижодкорларининг ижодий мулоқотларида ҳам иштирок этадилар.

Фестиваль кунларида бўлиб ўтадиган Туркий тилли ёшларнинг “Дўстлик” кечаси, Қўқон шаҳридаги диққатга сазовор жойларга саёҳат, миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси, Риштондаги Қулочилик маркази ҳамда Учкўприк туманидаги “Меҳригиё” кичик корхонаси лаванда боғларига ташриф ҳам иштирокчи ёшларга ўзига хос хуш кайфият улашади. Меҳмонлар ўзбек халқ урф-одатлари, миллий қадриятлари билан яқиндан танишадилар, маданий ёдгорликларидан бўлишиб, бой тарихимиздан бохабар бўлишади.

“Туркий тилли ёшлар” халқаро фестивалининг ёпилиш маросими ва санъат юлдузлари иштирокидаги гала-концерт ўрда майдонида ўтказилади.

Ёшлар юрт келажаги, ўйлаёмизки, туркий тилли ёшларнинг ҳам мақсадлари муштарак. Улар жисмонан соғлом, маънан етук, ақл-заковатли ёшлар сифатида эътироф этиладилар.

М.БОЙБОБОВА.

Қишлоқ хўжалиги: ислохотлар самараси

Ҳар гал хизмат юзасидан далалар, боғу роғлар узра яёв кезиб, миришкор боғbonлару, фермерлар ва бободоҳқонларимизни қизғин меҳнат жараёнида кўрганимизда, ҳофиз қўшиғидаги “Даласини боласидан суйган эл”, деган сатр ёдимга келаверади. Айнан бу қўшиқ галдаги суҳбатдошим, фермер Акрамжон Исмоиловга ҳам айтилгандек, гўё.

Заҳматкаш деҳқон Учкўприк туманида истиқомат қилади. У 2014 йилдан буён “Меҳнатобод тонги” фермер хўжалиги раҳбари. Тасарруфида 61,6 гектар ер бор. Ҳар йили пахта ва ғаллачилик бўйича шартномавий режаларини ортиғи билан бажариб келмоқда. Фермер хўжалиги ўз техникасига эга бўлиб, “Беларус – 82” русумли трактор ва культиватор ёрдамида экинлар агротехник

“НИМА БЕРДИМ ВАТАН УЧУН!”



тадбирлари ўз вақтида сифатли олиб борилмоқдаки, бу ҳосилдорликни оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Механизаторлар Ҳасанбой Исмоилов ва Жавахир Исроилов қишин-ёзин, эрта-ю кеч тиним билишмайди. Ишнинг оғирини енгилатаётган бу азаматлар деҳқончиликнинг пирига айланиб кетишган, десак муболага бўлмайди.

Шунингдек, 8,7 гектар майдонни эгаллаган “Жавлонбек келажаги” балиқчилик хўжали-

гида 3 та сув ҳавзаси мавжуд. Қўлларда 5-6 турдаги балиқлар парваришланиб, ички бозордан ташқари Тожикистон Республикасига экспорт қилинмоқда.

– Юртимизнинг тинчлигига ҳеч нарса тенг келмайди, – дейди суҳбат аввалида куёшга тик боққанча юзидаги терини артар экан Акрамжон Исмоилов. – Суягим меҳнатда қотган, узоқ йиллардан буён пахтачилик-ғаллачилик фермер хўжалигини бошқариб

келяпман. Меҳнатим орқасидан рўзгоримиз бут, турмуш ўртоғим Маҳбубахон билан 3 нафар ўғил ва 1 нафар қизни тарбиялаб, эл-юрт хизматиға муносиб ҳисса қўша оладиган комил фарзандлар этиб вояға етказяпмиз. Маҳалла, қариндош-уруғлар ўртасида, жамиятда ўз ўрним ва мавқеим бор. Шунданми, ҳар тонгни шукрона билан кутиб оламан, нонушта қиламан, даламга ошиқаман, экинлар ривожидан кўзим қувонса, етиштирилаётган балиқларнинг ҳосилдорлиги дилимни яйратади, – дейди у мамнун ҳолда.

Дарҳақиқат, бугун тажрибали фермер кенг қўламли ислохотлар натижаси ўлароқ паррандачилик, асаларичилик, бўрдоқчилик, йилқичилик хўжаликларини ташкиллаш арафасида турибди.

Яна бир гап. Олиҳиммат-

лик, саховатпешалик каби халқимизга хос фазилатлар Акрамжон акани ҳам четлаб ўтмаган. У “Унғ қўлинг берганни, чап қўлинг билмасин” қабилида кўплаб ижтимоий ҳимояға муҳтож, боқувчисини йўқотган, ёши улуг хамюртларимизга эҳсонни қанда қилмайди.

Яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллигини кенг нишонлаймиз. Юртимиз равнақига ҳисса қўшиш мақсадида фермер тонгдан то куёш ботгунича астойдил меҳнат қилмоқда. Унинг шиори “Нима бердим, Ватан учун!”. Зеро, ҳеч ким, ҳеч қачон эътибор ва имкониятлардан четда қолмаган шундай юрт фарзанди эканлигидан Акрамжон Исмоилов ҳам бугун чин маънода фахрланади, дея айта оламан.

Гулноза ЭРГАШЕВА,
“Данғара” газетаси адабий
ҳодими, ЎЗЖОКУ талабаси.

Ибратли оилалар ҳақида ҳикоялар

ИЗЗАТИЛЛА ДОМЛАНИНГ МУҚАДДАС “ҚЎРҒОН”И

Оила – муқаддас “қўрғон”. Инсон оилада дунёга келади, улғайиб камол топади. Энг аввало, бу қўрғон мустаҳкам, тинч бўлса, жамият барқарор бўлади. Ўсиб келаётган фарзандлар ҳар томонлама баркамол улғайишига имконият яратилади. Бунга мисоллар жуда кўп.

ҚИЙИНЧИЛИКСИЗ ТУРМУШ БЎЛМАЙДИ

Бувайдада шундай пиру бадавлат оилалар борки, уларга ҳар томонлама ҳавас қилса арзийди.

Замон билан ҳамиша ҳамнафас, ҳам диний, ҳам дунёвий билимга эга, маънавиятли, маърифатли инсон Иззатилла Эназаровни вилоятда кўпчилик яхши танийди. У салкам саккиз йилдан буён Бувайда тумани нуронийларига етакчилик қилмоқда. Иззатилла домла нафақат илғор фикрловчи раҳбар, балки бир оиланинг намунали бошлиғи ҳамдир.

Фарзандлари ўқимишли, топармон-тутармон, ҳам моддий, ҳам маънавий тўқис бўлишига қарамай ўзи ҳам тиниб-тинчимайдиган, вақтини зое кетказмайдиган бу меҳнатқаш инсондан кўпчилик ўрناق олишга ҳаракат қилади.

Бир қарашда домла ҳаётда ҳеч қандай қийинчилик кўрмаган, бу мартабани осонликча қўлга киритгандек кўринади. Аммо у билан яқиндан ҳамсуҳбат бўлган инсон бу кунларга етгунича ҳаётнинг қанча синовларига дуч келганини билиб олади.

Иззатилла Эназаров Урганжи қишлоғининг оддийгина хонадонидан етти нафар фарзанднинг иккинчиси бўлиб дунёга келган. Отаси Сойибжон бува

чан ўқитувчиси бўлиб ишлади, турмуш ўртоғининг яхши-ёмон кунларида доимо ёнида турди.

Иззатилла домла мактабда ўқитувчиман, деб бўш пайтларини самарасиз ўтказмасди. У оила бюджетини бойитиш мақсадида ишдан бўш пайтларда дуч келган юмуш билан шуғулланарди. Айниқса, ота касб-деҳқончилик қилиш – қовун-тарвуз, шולי экиш унинг севган иши эди.

ХАЁТНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ГЎЗАЛ...

Ақл-идроки, мақсади бор инсон учун ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал кўринади. Иззатилла Эназаров 1979 йилда институтни битириб, қишлоғидаги мактабга она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлиб қайтди. Дастлаб оддий ўқитувчи, сўнгра илмий ишлар бўлими мудири, директор ўринбосари лавозимларида ишлади.

Турмуш ўртоғи Ҳафиза опа билан аҳду паймон қилишиб, у институтнинг 2-курсидан ўқиётганида тўйларга бўлган.

Сойибжон бува келинини қиздек кўрар, айниқса, институт талабаси эканлиги алоҳида ҳурмати оширарди. Ҳар кун қайнота бўлмиш келинини машинада шаҳарга олиб бориб, дарслари тугагунча кутиб ўтирар, сўнгра қайтиб олиб келарди.

Ҳафиза опа институтни битиргач, мактабнинг энг билимли, тиришқоқ ва изланув-

чан ўқитувчиси бўлиб ишлади, турмуш ўртоғининг яхши-ёмон кунларида доимо ёнида турди.

Иззатилла домла мактабда ўқитувчиман, деб бўш пайтларини самарасиз ўтказмасди. У оила бюджетини бойитиш мақсадида ишдан бўш пайтларда дуч келган юмуш билан шуғулланарди. Айниқса, ота касб-деҳқончилик қилиш – қовун-тарвуз, шולי экиш унинг севган иши эди.

Бир кун курсдошининг дўсти қишлоқларига савдо қилиш учун келиб қолди ва Иззатилла домланинг шу қишлоқдан эканлигини эслаб, уни қидирди. Учрашгач, нима иш билан шуғулланаётгани ҳақида қизикди. У домлага мен билан ҳамкор бўлинг, дея таклиф билдирди. Ҳар нарсага қизикадиган ғайратли Иззатилла Эназаров бу таклифга бажонидил рози бўлди.

Шу билан домла савдо соҳасига кириб кетди. Гоҳ ютди, гоҳ ютқазди, яхши ва ёмон одамларни кўрди. Лекин уддалади. Савдодан барака билан. Шунинг ортидан кўша-қўша уйлар кўрди, замонавий машиналар, кўчмас мулклар сотиб олди.

Савдо билан биргаликда фермер хўжалиги ташкил қилиб, сеvimли машғулоти юритди. Бундан ташқари, Бештерак қишлоқ фуқаролар йиғини раиси вазифасида ҳам сидқидилдан меҳнат қилиб, элу халқ ҳурматида сазовор бўлди.

Фарзандлари Бобомурод, Дилмурод, Элмурод ва Дилноза улғайиб, олий ўқув юртралида ўқиди.



Домланинг иши юришиб, дастига барака бераётган бир паллада ҳаётнинг энг оғир зарбасига учради. Унинг турмуш ўртоғи оғир хасталикка чалиниб, вафот этди.

ХАЁТ ТЎХТАБ ҚОЛМАДИ

Бу кўргулик домлани адоий тамом қилди. У энди олдингидек эмас эди. Унга ҳеч нарсанинг қизиги йўқдек эди гўё. Чунки ёмон кунларида ёнида мардонавор турган турмуш ўртоғи айни роҳат-фароғатда яшайдиган пайтда уни ташлаб кетди. Фарзандлари онаизори ортидан бўзлаб қолди...

Лекин вақт олий ҳакам деб бежиз айтишмас экан. Яхши одамларнинг далдаси билан домла секин-аста ўзига келди. Иккинчи марта турмуш кўрди. Унга Яратган Эгам худди биринчи турмуш ўртоғи каби оқила, қалби пок, меҳрибон бир аёлни тортиқ этдики, домла яшаган ҳар бир кун учун Аллоҳга ҳамду санолар айтади. Муаззамхон фарзандларини худди ўз боласидек бағрига олди, уларни чин дилдан яхши кўрди, меҳр берди.

— Утиб кетган опамнинг жойлари жаннатдан бўлсин. Шундай меҳрибон, билимли фарзандлар тарбиялаб кетган эканки, жоннинг малҳами... У

мендан рози бўлсин... Уни ёд этмаган, ҳақиқа дуо қилмаган куним йўқ, – дейди Муаззамхон.

Унинг бу хонадонга келганига йигирма йилдан ошди. Лекин бирор марта фарзандлари ёки домла билан ўртала-рида совуқ муносабат бўлгани йўқ. Оилада ҳамма бир-бирига меҳрибон, ширинсўз,

Ҳозирда оиланинг тўнғич ўғли Бобомурод дадаси асос солган хўжаликни бошқармоқда. Тумандаги энг илғор фермерлар қаторида. Иккинчи ўғли Элмурод қишлоқнинг сахий, қўли очиқ тадбиркорларидан бири. Кичик ўғли Дилмурод Тошкент шаҳридаги 17-шифохона жарроҳи. Қизи Дилноза мактабда она тили ва адабиёт фанидан дарс беради.

Оиласидан, фарзандларидан кўнгиллари тўқ, ишларида унум ва барака бор. Инсон учун энг катта бахт бўлмиш оилавий хотиржамлик ва фаровонликда умргузаронлик қилишмоқда.

Ҳаётнинг ҳар зарбасини мардонавор енгиб, мақсад сари интилиб яшаган ўрганган Иззатилла домла Эназаров айни дамда оилада ҳам, жамиятда ҳам илғорлар сафида.

Азизахон СОЛИЕВА.

Табиат неъматлари

АГАР ЕСАНГИЗ ШАФТОЛИ, ДАРДДАН БЎЛАСИЗ ХОЛИ

Диёримизда ҳар бир мева мўъжиза, киши дардига даво. Шулардан бири шафтоли. У раъногулдошлар оиласига мансуб.



Маълумки, меваси данакли, тукли ва туксиз, серсув бўлади. Навларига кўра, июндан то ноябргача мевалари пишиб етилади. Дунёда шафтолининг 100 дан зиёд навлари ўсади.

Мевасидан қайта ишланган ҳолда қоқи, компот, шира, мурabbo тайёрланади. Шафтоли янгилигидан ўзига хос ёқимли, хуш таъмлиги билан ажралаб туради.

Шафтоли меваси билан бирга, барги, гуллари ҳам фойдали. Меваси таркиби асосан сув бўлса-да, бошқа моддалар ҳам бисёр. Жумладан, қанд пектин, сахароза, органик кислота (лимон ва олма), ўрни алмашадиган ва ўрни алмашмайдиган алшнокислоталар, А, Е, С, В1, В2, В6, В15 сингари дармон-дорилар, калий, кальций, кремний, магний, натрий, олтингугурт, фосфор каби маъданлар сақлайди.

Уруғида ёғсимон мой, амигдалин, эфир мойи, темир, калий моддалари жо бўлган. Ана шу моддалар туфайли шафтоли бир қанча хасталикларни даволашда азалдан қўлланиб келинади.

Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» китобида шафтоли

борасида шундай битиклаган:

...Шафтолининг баргидан олинган суви қулоққа томизилса, қуртларни ўлдирди, унинг ёғи бош ярмининг оғришида, иссиқдан ва совуқдан пайдо бўлган қулоқ оғриқларида фойда қилади. Пишган шафтоли меъда учун яхши бўлиб, унда овқатга иштаха тўғдириш хусусияти бор. Аммо шафтолини овқат устига ейиш керак эмас, аксинча овқатдан илгари ейиш маъқул.

...Пижан шафтоли ични юмшатади, хоми эса (ични) қотиради...

Уни қўлланиши ҳамин қадар. Халқ табобатида шафтоли барги ва гулларида тайёрланган сувли дамлама қандли диабетда ва гижжаларга қарши восита сифатида тавсия этилади. Янги баргидан тайёрланган бўтқа куйганда, яраларда, қуруқ ва ҳўл экземаларда, нейродермит ва бошқа тери хасталикларидан наф беради. Шафтоли меваси қайт қилишни тўхтатувчи, таом ҳазмини яхшиловчи, аъзои танадан зарарли моддаларни ҳайдовчи, яъни тозаловчи омил тариқасида шифо бағишлайди.

Шафтоли уруғидан мой ҳам олинади. Бу шафтоли мойи юз

тери ажинларининг олдини олишда, юз терисини озиклан-тирувчи восита сифатида яхши наф келтиради. Шу билан бирга, шафтоли мойи бош оғриғида (мигрень), ўткир сурункали ўрта қулоқ шимоллашида даво бўлади.

Шафтоли таркибида калий элементи кўп бўлганлиги боис, юрак-қон томир тизими хасталикларига чалинган беморларга парҳез сифатида тавсия этилади.

Шафтоли, қовун, турп уруғларидан 2 ош қошиқдан олиндиб, унга 2 ош қошиқ асал қўшиб аралаштирилгандан сўнг тайёрланган малҳамдан буйрак ва қовуқдаги тошни нуратишда фойдаланилади.

Шуни ёдда тутиш керакки, шафтоли мевасини қанд касаллигига чалинган кишилар истеъмол қилмасликлари маъқул. Чунки, мева таркибида қанд миқдори кўп. Айни пайтда шафтоли мевалари фарқ пишган. Ундан баҳраманд бўлинг, саломатликка пойандоз солган бўласиз. Инчунун, шафтоли меваси танага куч-қувват бахшида этади...

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, дорिशунос.

Фарғона вилояти
бош имом-хатиби
Убайдулло ҳожи
АБДУЛЛАЕВ
тахрири остида

Жума
сабоқлари



САЛАФИЙЛИК – ҚАНДАЙ ОҚИМ?

Фарзандларимизни сохта салафийлар ғоясидан асрайлик!

Муқаддас ислом дини, миллий қадриятлар, эзгулик, инсониятнинг душмани бўлган ёт ғояларнинг асл моҳиятини очиб бериш, бузғунчи оқимларни жиловлан, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, мана шундай хотиржам, мусаффо осмон остида бунёдкорлик билан банд бўлиб, шукрона келтириб яшаётган олижаноб халқимизнинг тинч ҳаётини ҳар қандай бало-қазолардан асрашга ўз ҳиссамизни қўшиш — бугунги кундаги долзарб вазифамиз бўлиши керак.

Маълумки, Марказий Осиё асрлар давомида мусулмон маданияти ривожига катта ҳисса қўшиб келган. Шу босис, бузғунчилик ақидаларини тарғиб қилаётган турли оқимлар ўз ғояларини сингдириш мақсадида бу минтақага интилаётгани тасодиф эмас. Жумладан, Ўзбекистонда асосан "Ҳизбут-таҳрир ал-исломий", "Туркистон ислом ҳаракати", "Ислом жиҳод иттифоқи" каби гуруҳларнинг яширинча фаолияти қаторида сўнгги вақтларда "Салаф солихларга эргашиш" шиори остида салафийлик мафкурасини байроқ қилиб олган, ўзларини гўёки "Салафларнинг издошлари" деб ҳисоблайдиган мутаассиб, сохта салафийлар пайдо бўлганини алоҳида қайд этиш лозим.

"Салафийлик" тушунчаси араб тилидаги "салаф" сўзидан олинган бўлиб, "аввал яшаб ўтганлар", "аждодлар" маъноларини англатади. Ҳадисларга кўра, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом замоналари ва ундан кейинги икки даврда яшаган мусулмонлар тушунилади. Ислом мужтаҳид уламолари илк мусулмонларни "Салафи солих", яъни "Солих аждодлар" деб ҳисоблашда яқдилдирлар. Улардан кейинги даврларда яшаган мусулмонларга нисбатан "салаф" ёки "салафийлар" тушунчалари асло ишлатилмайди.

Ҳозирги кунда салафийлик ғоясини тарғиб қилаётган сохта салафийлар бир неча гуруҳларга бўлиниб кетган. Уларни умумлаштириб, икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчиси, давлат бошқарувида шариатнинг устуворлигига эришишда жангу жадаллар билан ҳаракат қиладиган радикал "салафийлар"дир. Бу тоифадаги сохта салафийлар "жиҳод" ғоясининг мазмунини бузиб талқин қилиб, унга жангарилик тусини беришмоқда. Улар нафақат бошқа дин вакиллари, балки мусулмонларга қарши зўравонлик, қўпоровчилик ҳамда босқинчилик хатти-ҳаракатларини асослаш ва оқлаш учун "жиҳод" тушунчасидан фойдаланишмоқда.

Иккинчиси, ўзларини гўёки давлатдаги мавжуд қонун-қоидаларга бўйсунадиган ва уларга қарши чиқмайдиган қилиб кўрсатадиган, жангарилик фаолияти билан шуғулланмайдиган "мўътадил" салафийлар ҳисобланади. Улар ўзларининг мутаассиб фикрларидан қайтмаган ҳолда, бошқа қарашларга нисбатан ҳурмат



Ҳасанбой АШУРОВ,
Фарғона тумани "Ҳожа Аҳмад валий"
масжиди имом-хатиби

билан қарайдиганлар гуруҳига мансуб бўлиб, муайян мазҳабга мансуб бўлишни ёқламайдилар.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. Сохта салафийликнинг зарур ғоявий асосларига эга бўлиши суриялик ибн Таймия (1263-1328) фаолияти билан боғлиқ. Унинг ғоялари кейинчалик турли мутаассиб гуруҳ ва ҳаракатлар етакчилари қарашларига асос бўлиб хизмат қилди. Жумладан, XVIII асрда тарихий адабиётларда "Ад-даъватул дамавия", яъни "Қонли даъват" номини олган ҳаракатлар пайдо бўлди. Сохта салафийлик XIX асрнинг иккинчи яримидан ўз олдига халифаликка асосланган ислом давлатини барпо этиш вазифасини қўйган "Ислохотчилик" ниқоби остида янгидан жонланди.

Абул аъло ал-Мавдудий, Ҳасан ал-Банно, Саййид Қутб, Абдусалом Фараж, Абдурахмон ал-Кавокибий, Айман аз-Завоҳирий, Усома Бин Лудин каби шахсларнинг радикал фикрлари сохта салафийлик мафкураси ривожига катта ҳисса қўшди. Улар томонидан "Мусулмон халқларининг диний-сиёсий иттифоқи" ғояси ишлаб чиқилди. Бу ғоя остида анъанавий мазҳаблардан воз кечиш ва исломнинг илк даврига қайтишга даъват қилинди.

Ташкилот ғоялари. Сохта салафийлар қуйидаги ғояларни илгари суради:

1. Қуръон оятлари тафсирини ўзларининг ғояларига мослаб таржима қилишиб даъват қилмоқдалар, худди шунингдек, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларини ҳам нотўғри талқин қилмоқдалар.
 2. "Жиҳод"ни исломнинг олтинчи аркони деб ҳисоблайдилар.
 3. "Такфир" (куфрда айблаш) ва "ҳижрат" (ватанни тарк этиш) масаласини илгари сурадилар.
 4. Фикҳий мазҳабларни инкор қилиб, мазҳабсизликни тарғиб қиладилар.
 5. Тасаввуф, урф-одат ва миллий қадриятларни инкор этадилар.
 6. Файридинларга ўта тоқатсиз муносабатда бўлиб, диний бағрикенгликни ёқламайдилар.
- Айниқса, сохта салафийлар томонидан тарғиб қилинаётган мазҳабсизлик ғояси, асрлар давомида шаклланган диний анъаналарни издан чиқариб, бир юрт мусулмонлари ўртасида парокандаликни юзага келтириш учун тарғибот-ташвиқот қилмоқдалар.

Бугунги кунда ҳар қандай ёт тарғибот-ташвиқотлардан огоҳ ва хушёр бўлиб, аввало, ўзимизни ва келажак авлодларимизни сохта салафийлар ғояси тузоғидан асрайлик.

Фарғона шаҳар, Ёруғлик кўчаси,
1-уйда жойлашган "Moderna ceramic
industries Ferghana" МЧЖ шаклидаги
қўшма корхона номига берилган
думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Фарғона филиали
жамоаси "Табиий фанлар" кафедраси доценти, физика-математика
фанлари номзоди
Маҳмуджон Аҳмадович МИРЗАЖОНОВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқин
қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

БИЗНИНГ ҚАНОТИМИЗ БОР!

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганим ҳаётимнинг саҳифаларини нур каби ёритди. Оддий боғбон оиласида туғилган қизга Президентнинг ишонч билдириши кимни ҳаяжонлантирмайди, дейсиз?

Бугун нимагаки эришган бўлсам, устозларимнинг меҳнати, жонқуярлиги сабабдир. Менга Президентимиз ташаббуси билан 2018 йилда Марғилонда очилган Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби қанот бўлди. Юртбошимиз "Ижодкорлар боғи"га ташрифи чоғида: "Шу ижод мактабидан битта Абдулла Орипов, битта Эркин Воҳидов, битта Ҳалима Худойбердиева чиқса, мен розиман", деганлари ҳамон эсимда.

Бу сўзлар митти қалбимда катта масъулият уйғотган эди. Давлатимиз раҳбарининг ишончи, умиди мен каби минглаб ёшларга олам-олам куч

берди.

Бугун Ватан бизга чинакам қанот бўлаётган экан, эртага биз унинг юкини кўтариш учун елка тутишимиз керак, деб ўйлайман.

Шоир бўлгум сени алқаш учун эмас,
Хушомадгўй мисралардан сиқувдаман.
Ватан, сени баландпарвоз гап-сўзлардан
Касал бўлиб қолишингдан кўрқувдаман.

Сен чорлагин боғларингга кетаётиб,
Дарёларни элтиб берай суғургани.

Бугун шахдам қадам ташлаб борар қизинг,
Товонингдан тиканларни суғургани!

**Нилуфар ЭРГАШЕВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.**

Буни ҳаёт дейдилар...

Инсон тақдирида нималар ёзилгани ёлғиз Яратганга маълум. Эрали яхши ниятлар билан Россия Федерациясига ишлаш учун борди. Аввалига ҳаммаси рисоладагидек бўлиб, уйига пул жўнатиб турди. Орадан кўп ўтмай, кутилмаганда бир жанжалга аралашиб қолиб, узоқ муддатга қамалди.

ТАДБИРЛИ АКАНИНГ МЕҲРИ

Бу воқеани орқаваротдан акаси Фарҳоджон эшитди-ю, анчагача ўзига келолмай юрди. Нима қилсин, уйдагиларга бу ҳақда айтсинми? Отаси қазо қилганига анча йиллар бўлган. Онаси бу шумхабарни кўтара олармикин? Икки нафар фарзандини тарбиялаётган укасининг турмуш ўртоғи Насибахон-чи?

Фарҳоджон бу хунук хабарни уларга айтмасликка қарор қилди. Россияга бориб, у ердаги юртдошлар билан бирга ишлаб, укасидан хабар олиб турди. Ишлаб топган пулидан чегириб, Эралининг номида онасига, Насибахон ва унинг фарзандларига пул, совға-саломлар жўнатиб турди.

Йиллар ўтиб уйга қайтгач, кичкина дастгоҳ ўрнатиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Укаси қамалганидан олти йил ўтиб, келини Насибахон бундан хабар топди. Унга ётиғи билан тушунтирилганидан сўнг, ҳам қайнота, ҳам акадек меҳрибон бўлган Фарҳоджоннинг қўллаган тадбирини маъқуллаб, эрини кутишга ва бу ҳақда қайнонасига билдирмасликка ваъда берди.

Эрали ва Насибахоннинг муҳаббат ришталари ёшлик давридан бошланган эди. Уларнинг бир-биридан ширин фарзандлари бу ришталарни яна ҳам мустаҳкамлади.

Орадан анча вақт ўтиб, орзиқиб кутилган кун ҳам етиб келди. Эрта тонгда туриб, уй-

ларни супуриб, йиғиштиришга тушган Насибахон бугун турмуш ўртоғи уйга қайтишини биларди.

Эрали уйга қайтгач, бекор ўтирмади. Туман ҳокимлиги иссиқхона қуриш учун имтиёзли кредит олишига ёрдам берди. Ишлари юришиб кетди. Тез орада кредит қарзларини ёпди. Дастлабки олган даромадидан онаси ва акаси Фарҳоджонни умра сафарига жўнатди. Эндиликда турмуш қийинчиликларини мардонавор енгиб ўтган сабрли аёли Насибахонни ҳам ўзи билан бирга ҳаж зиёратига олиб боришга аҳд қилди.

Ҳозирда ҳожи онахон кескалик гаштини суриб, бир этак набираларни тарбиялаптилар. Келинлари атрофида парвона.

Бу воқеани ёзишимиздан мақсад – арзимас дунё матоҳига алданиб, турмуш бузилаётган ёшларга, мерос талашиб, аразлашиб юрган баъзи ака-укаларга ибрат бўлсин деймиз.

Давлатимиз томонидан жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган фуқароларга қаратилган эътибор туфайли улар қайта жинойат содир этмай, ҳаётда тўғри йўлни танламоқдалар.

**А. ҲАЙДАРОВ,
Қува тумани
ҳоқимлиги ҳузуридаги
Ижтимоий кўникма
маркази раҳбари.**

**Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти
қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади**

1. Информатика кафедраси –	5 та ўрин.
2. Рус тили ва адабиёти кафедраси –	7 та ўрин.
3. Инглиз тили ва адабиёти кафедраси –	9 та ўрин.
4. Бошланғич таълим кафедраси –	12 та ўрин.
5. Махсус педагогика кафедраси –	9 та ўрин.
6. Педагогика кафедраси –	2 та ўрин.

**Мурожаат учун манзилгоҳимиз: Қўқон шаҳри, Турон кўчаси,
23-уй. Ректорат биноси, 6-хона.
Кенгаш котиби: Х. Раҳмонов. Телефон: 91 684-49-73.**

СЎМ — НАРХ ДЕГАНИ

(МИЛЛИЙ ВАЛЮТАМИЗ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?)



Бундан 29 йил аввал, яъни 1994 йил 1 июль куни миллий валюта — сўм муомалага киритилган эди. Мустақил давлатчилигимизда илк марта сўм пул бирлиги ишлатила бошланди. Албатта, тарихий воқеа ва ҳозирги вақтга қадар мамлакат ҳудудида ягона тўлов воситаси сифатида амал қилмоқда. «Bugun.uz» колумнисти Шарофиддин Ҳошимжонов ўзбек сўми тарихи ҳақида ҳикоя қилади.



СЎМГАЧА ҚАНДАЙ ПУЛ ИШЛАТГАНМИЗ?

1991 йилда Ўзбекистон мустақил давлатга айланганига қарамай, 1994 йилга қадар Россия пул бирлиги — рублдан фойдаланиб келган. Бу давр ораллида рублга муқобил тўлов воситалари жорий қилинган бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад ички бозорни ортиқча рубль массасидан ҳимоялаш бўлган. 1992 йил бошидан бир марталик купонлар босиб чиқарилди, режага кўра, купонлар истеъмол бозорини ҳимоялаш ва маҳсулотларни фақат Ўзбекистон фуқароларига сотишни таъминлаши лозим эди.

Бу тадбир кўп ҳам натижа бермагач, 1993 йилнинг 15 ноябидан сўм-купон муомалага чиқарилиши белгиланди. Бу орада 22 ноябгача бир ҳафта давомида газета қоғозидан чоп этилган ва ташкилотнинг муҳри уриладиган карточкаси қирқиб олинувчи бир марталик купонлар амал қилган. Тўловни амалга оширишда бир марталик купонларнинг тўлов қилиниши керак бўлган қисми қирқиб олинган.

Ички бозорни ортиқча рубль массасидан ҳимоялаш, аҳолига пул маблағларини тўлашни ўз вақтида таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида параллель тўлов воситаси сифатида сўм-купонларни муомалага киритиш тўғрисида»ги қарори чиқарилди. Қарорда 1992 йилгача амалда бўлган собиқ совет рублига 1:1 нисбатда 1993 йил 15 ноябидан бошлаб муомалага киритилиши белгиланди.

1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000, 5000 сўмлик купюраларнинг барчасининг олд томонида герб ва пул номинали, орқа томонида Шердор мадрасасининг сурати туширилганди. Купюраларни чоп этиш

учун техник имконият мавжуд бўлмагани боис, сўм-купон Англиядаги «Harrison & Sons Ltd» босмахонасида чиқарилган. Сўм-купонлар 1994 йилнинг 1 августига қадар (1 июлдан миллий валюта сўм билан параллель равишда) амал қилган.

Миллий валюта — сўм 1994 йилнинг 1 июлидан ўзигача амалда бўлган сўм-купонга 1:1000, яъни 1000 сўм-купон 1 сўмга тенг нисбатда муомалага киритилган.

СЎМ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги қарори, Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 16 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Ушбу ҳуқуқий нормаларга асосан мамлакатда миллий валюта — сўм муомалага киритилди.

Манбаларда «сўм» сўзининг этимологияси бўйича турлича фикрлар тарқалиб кетган, кимдир уни туркий тилдан олинган бўлиб, дастлаб пул солинадиган қопчага нисбатан ишлатилган деса, бошқаси эса уни «тоза», «соф» сўзлари билан боғлайди. Лекин ушбу фикрлардан ҳақиқатга энг яқини «сўм» сўзи араб тилидан келиб чиққани бўлиб, «нарх» маъносини ифодалайди.

Дастлаб сўм икки хил шаклда — кичик қийматдаги пуллар 1, 3, 5, 10, 20, 50 тийин миқдоридан тангалар ҳамда каттароқ қийматдаги 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 сўм миқдоридан қоғоз купюралар бир вақтнинг ўзида муомалага кирган. 100 тийин 1 сўмга тенг бўлган. Яна бир қизиқ факт, сўм муомалага киритилган 1994 йил 1 июль куни 1 АҚШ доллари 7 сўмга тенг бўлган.

1–100 сўмлик қоғоз пуллар 1994 йилда, 200 сўмлик 1997



йилда, 500 сўмлик 1999 йилда, 1000 сўмлик 2001 йилда, 5000 сўмлик 2013 йилда, 10 минг ва 50 минг сўмлик 2017 йилда, 100 минг сўмлик 2019 йилда, 2000 ва 20 000 сўмлик пуллар 2021 йилда ҳамда 2022 йилда 200 000 сўм бўлган банкнот шаклидаги пул белгилари муомалага киритилган.

ЎЗБЕК СЎМИ ҚАЕРДА ЧИҚАРИЛАДИ?

Халқимиз орасида «Пулимиз Германияда қиммат қоғозга чиқариларкан», деган гаплар айланиб юради. Аслида, ўзбек сўми қаерда чоп этилади?

1994 йилда муомалага киритилган 100 сўмгача бўлган барча купюралар Германиянинг «Giesecke & Devrient» фирмасида чоп қилинган. Маълумот учун, ушбу фирма ҳозирда Европа Иттифоқининг валютаси — еврога ҳам чоп этади.

1997 йили муомалага киритилган 200 сўмликдан бошлаб, кейинги даврдаги барча қоғоз пуллар Тошкентда, «Давлат белгиси» ДИЧБ давлат корхонасида чоп этилмоқда.

«БЕҲАЁ» 2 МИНГ СЎМЛИК

Ўзбек сўмининг яна бир ўзига хос жиҳатларидан бири унинг дизайни ҳисобланади. Ўзбек сўмида қадимий тари-

хий ёдгорликлар ва обидалар, ўтган буюк аждодларимизнинг ҳайкаллари тасвирга кенг ўрин берилади. Масалан, 3 сўмликда Бухородаги «Чашма Айюб» мақбараси, 10 сўмликда «Гўри Амир» мақбараси, 25 сўмликда Самарқанддаги «Шоҳи Зинда» тарихий-меъморий ансамбли, 50 сўмликда «Регистон» тарихий-меъморий ансамбли, 500 сўмликда Тошкентдаги Амир Темур ҳайкали, 100 минг сўмда эса Мирзо Улуғбек обсерваторияси тасвирланган.

Интернетнинг ўзбек сегментида янги — 2 минг сўмлик купюра дизайни турли бахсларга сабаб ҳам бўлди. Унда тасвирланган қадимий Варахша харобаларидан топилган аёл бошли қуш тасвири айрим тармоқ фойдаланувчилар томонидан «беҳаё»лик тарғиботида ҳам айбланди. Унинг олд томонида Бухоро Арки тасвирланган. 20 минг сўмлик пулда эса Қорақалпоғистондаги қадимий археологик ёдгорлик Қўйқирилганқалъа ва Жонбосқалъадан топилган сопол буюм тасвири туширилган.

Ўзбек сўми дизайнида замонавий архитектура намуналари ҳам ишлатилади: 1994 йилда

чоп этилган 1 сўмлик купюрада Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри, 100 сўмликда Халқлар дўстлиги саройи, 1000 сўмликда Темурийлар тарихи давлат музейи, 5000 сўмда Ўзбекистон парламенти, 10 минг сўмда Сенат биноси, 50 минг сўмда Тошкентдаги Форумлар уйи, 100 минг сўмда буюк ўзбек олими Мирзо Улуғбек фаолияти ва унинг астрономия фанидаги ютуқлари, 200 минг сўмнинг олд томонида Қўқон шаҳридаги Худоёрхон ўрдаси, орқа томонда эса миллоддан аввалги III асрга оид қадимги Фарғона давлатининг пойтахти бўлган Ахси-кент археология ёдгорлиги тасвирланган.

Сўм кадри пасая боргач, паст номиналдаги купюралар ўрнини танга шаклидаги сўмларга алмаштириб борилган. Жумладан, 1997–1999 йилларда 1, 5 ва 10 сўмлик, 2001 йилда 50 сўмлик, 2004 йилда 100 сўмлик, 2018 йилда 50 ва 100 сўмлик тангалар янгича кўринишда ҳамда 200 ва 500 сўмлик танга пуллар зарб этилган.

<https://bugun.uz/>

МУАССИС:
«Farg'ona haqiqati» va
«Ferganskaya pravda»
gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир:
Рустам ОРИПОВ.

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета «Полиграф-пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 1971 нусхада чоп этилди.
Буюртма №:436. Босмахона манзили: Фарғона вилояти, Маргилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.

Бизнинг манзил:
150114, Фарғона шаҳар, Сохибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Достонбек Холматов.
Босишга топшириш вақти: 18.00.
Топширилди: 17.00.